



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 29 » декабрь 2021-й.

№ 01-01/03-5884 « _____ »- _____ 2021-й.

Нукус шаҳри ва Нукус тумани халқ таълими бўлимлари бошлиқларига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил 17 майдаги 155-сонли буйруғига мувофиқ, Халқ таълими соҳасида ягона “Электрон таълим” тармоғини (кейинги ўринларда - **Лойиха**) ишлаб чиқиш ва жорий қилиш вазифаси юклатилган.

Ҳозирда, ушбу лойиҳанинг 1-босқичини амалга ошириш ишлари бошланган бўлиб, Тошкент шаҳридаги барча ва вилоятлардаги бир қатор умумтаълим мактабларига (иловага мувофиқ) **2 000 дона Mikrotik қурилмаси** (маршрутизатор) харид қилиниб, уларни ўрнатиш ишлари режалаштирилган. Мазкур вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишчи гуруҳ шакллантирилган.

Юқоридаги вазифаларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти топшириғига биноан, Вазирлик ҳузуридаги “Инновация, технология ва стратегия маркази” ДУК билан биргаликда қуйидаги ишларни амалга ошириш, яъни:

- 1. Нукус шаҳар ва Нукус тумани халқ таълими бўлимларига қарашли, тегишли равишда 31 та ва 10 та мактабларда (мактаблар рўйхати иловада келтирилган) Лойиха қурилмаларини ўрнатиш ишларининг сифатли бажарилиши ва далолатномаларнинг тўғри ва ҳаққоний расмийлаштирилиши устидан назорат ўрнатиб, доимий мониторинг олиб борилишини таъминлаш ҳамда ўз муддатида яқунлаш чораларини кўриш;**



2. Ишчи гуруҳ вакиллари иштирокида **Лойиха** доирасида харид қилинган қурилмалар сифатли ўрнатилганлиги юзасидан тегишли далолатномаларни расмийлаштириш (Далолатнома намунаси иловада келтирилган);

3. Тегишли қурилмаларни ўрнатилган тартибда балансга кирим қилиш ва бу бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш;

4. **Лойиха** қурилмаларини ўрнатиш бўйича бажарилган ишлар ҳолати юзасидан **маълумотларни умумлаштириш ҳамда вазирликнинг АКТ бўлимига тақдим этиб боришингизни сўрайман.**

Ишчи гуруҳнинг Нукус шаҳрига етиб келиши муддати ҳақида қўшимча маълумот берилади.

Илова: электрон кўринишида.

Вазир

Р.Реимов

Ижрочи: Р.Худайбергенов
Тел: (93) 485-17-51

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin



www.uzedu.uz



t.me/uzedu



facebook.com/uzedu



instagram.com/uzedu.uz